Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

10 ИЮЛЬ, 1962 ИЙЛ, ШАНБА № 158 (2.564). Баҳоси 3 тийин.

60 ЙИЛЛИГИГА СССР ЗАРБДОР ҲАФТАЛИКЛАР

«СССРнинг 60 йиллигига — олтмиш зарбдор ҳафталик!» шиори остида меҳнат қилаётган республикамиз дала ва фермаларининг марди-майдонлари 5 июлдан ўттиз бешинчи ҳафталикни бошлаб юбордилар.

Бу галги зарбдор ҳафталик бепоён Россиянинг Ноқоратупроқ зонасига бағишланмоқда.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

БРИГАДА ПУДРАТИГА КЕНГ ЙЎЛ

Бошқариш ва хўжаликни юритиш методларини тинмай такомиллаштириб бориш КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини, СССР Озиқ-овқат программасида белгилаб берилган вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг муҳим шартидир. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги бригада формаларини кенг қўлланиш хўжалик механизмини яхшилашнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев касаба союзларининг XVII съездида сўзлаган нутқида бундай деди: «Ягона наряд асосида ишловчи комплекс бригадаларда вақт, меҳнат ва моддий ресурслар кўп миқдорда тежалишига эришилади. Бу бригадаларда интизом мустаҳкам, иш ҳақи юқори, ёш ишчилар маҳоратни тезроқ ўзлаштириб оладилар. Уларда меҳнат унумдорлиги юқори эканлиги табиий».

Ўзбекистон колхоз ва совхозларида нарядсиз бригада ва звеноларни тузиш соҳасида тўпланган тажриба шуни кўрсатиб турибдики, меҳнатни ташкил этишнинг бу янги формаси юксак ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларга эришишнинг ишончли йўлидир. Кейинги икки йил ичидагина республика колхоз ва совхозларида янги система асосида ишлаётган бригада ва звеноларнинг сони 3 мингтадан зиёдроқ кўпайди ҳамда 7200 тага етди. Бу тадбирнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий самараси Наманган области хўжаликлари мисолида яққол кўриниб турибди. Областда нарядсиз система асосида ишлаётган коллективларда меҳнат унумдорлиги анча ўсди. Масалан, пахтачилик звеноларида бу кўрсаткич 1980 йили ундан аввалги йилдагига қараганда 25,2 процент ортди. Айни пайтда деҳқонларнинг иш ҳақи 10,8 процент кўпайди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг одатдаги системасида ишлаётган коллективларга нисбатан олинадиган бўлса, нарядсиз ишлаётган коллективларда пахта ҳосилдорлиги 3 центнер ортиқ, таннархи эса 7,6 процент арзондир.

Ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибдики, бригада пудрати усулининг жорий этилиши агросаноат комплексининг бошқа тармоқларига, шу жумладан қурилишга ҳам самарали таъсир ўтказмоқда. Мана бир неча йилдирки, Боғот йўл ремонт-қурилиш бошқармасидаги Х. Едгоров бошлиқ бригада янгича меҳнат қилмоқда. Бригадада меҳнат яхши ташкил этилганлиги, шартномадаги мажбуриятлар аниқ бажарилаётганлиги туфайли бекор туриб қолишлар батамом барҳам топди, вужудга келаётган ҳамма ишлаб чиқариш масалалари тез ва ишчанлик билан ҳал этиладиган бўлиб қолди. Одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати ҳам ўзгарди. Ҳар бир ходим коллектив ишига қўшадиган ўз шахсий ҳиссасини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Ҳалол ишлаш, юксак меҳнат интизоми, аралаш касб-ҳунарни эгаллашга интилиш кучайди. Қайта қуриш қандай натижа бермоқда? Шуни айтиб ўтиш кифояки, бу бригадада меҳнат унумдорлиги оддий усулда ишлайдиган бригадаларга қараганда 25 процент ортиқ бўлмоқда.

Онла пудрати деб ном олган усул ҳам амалда ўзини оқлади. Хонқа районидаги «Победа» колхозида бир неча оиладан иборат звено бор. Уларнинг уч йиллик иш якунлари кўрсатишича, бу звеноларда ғўза парваришидаги ҳамма жараёнлар вақтида, юқори сифат билан ўтказилмоқда, энг муҳими, моддий ва меҳнат харажатларини ҳақиқий хўжайинларча қатъий ҳисобга олиш одат тусига кирган. Бундан эса бутун колхоз ютмоқда: ўтган йил ҳар гектардан 48 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Бунда ҳар центнер пахтанинг сарф-харажати камайганлиги ва маҳсулот сифати ошганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатни нарядсиз ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг янги формалари давлат, коллектив ва шахснинг манфаатларини узвий боғлаган ҳолда деҳқонларнинг ўз пировард меҳнат натижаси учун масъулиятини оширмоқда, ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичларини тинмай яхшилаб бориша йўналтирмоқда.

Область, район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг партия комитетлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларидан келиб чиққан ҳолда нарядсиз бригада ва звенолардаги иш аҳволига ўзларининг ташкилий ҳамда ғоявий-сиёсий таъсирларини тинмай ўтказиб боришлари зарур. Ҳали бу соҳада жуда кўп иш қилишга тўғри келади. Баъзи область ва районларда бригада пудрати усули жуда суст, пухта ўйламай ва изчиллик кўрсатилмай жорий этилмоқда. Янгича ишлашга ўтишдан аввал жиддий тайёргарлик кўриш, биринчи навбатда коллективларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, хўжалик шартномаси интизомини мустаҳкамлаш лозим. Ходимларнинг малакасини ошириш, уларни иқтисодий тарбиялаш, коллективда юксак талабчанлик ва ўзаро ўртоқларча ёрдам муҳитини вужудга келтириш ҳам жуда муҳимдир.

Ҳамма область ва районларда бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилишларида меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бригада формаларини янада оммалаштириш вазифалари муҳокама қилинди. Ана шу йиғилишларда таъкидлаб ўтилганидек, янгича ишлашга ўтказилган коллективларнинг ҳаммаси ягона наряд асосида меҳнат қиляпти, деҳқонларни рағбатлантириш учун иқтисодий омиллардан тўғри фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Жумладан, ҳали иш ҳақини белгилашда, у ёки бу бригада аъзосининг меҳнат ҳиссасини аниқлашда камчиликлар бор. Ташкилий жиҳатдан нуқсонларга йўл қўйилган ҳамм нарядсиз бригадалар тарқаб кетди. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтганидек, хўжалик ҳисобидаги бригадага ҳамма имкониятни яратиб бериш учун хўжалик механизмини қайта қуришни давом эттириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш, планлаштиришдаги ва меҳнатни ҳисоблашдаги расмиятчиликка қарши курашиш зарур. Партия комитетлари ва хўжалик раҳбарлари хўжалик ҳисобидаги бригадаларга ишлаш учун зарур шароитларни яратиб беришлари, ишлаб чиқаришни ташкил этишни тинмай такомиллаштириб бориш ҳақида ҳамкорлик қилишлари керак.

Бу янги иш билимдон, ғайратли, сиёсий ва хўжалик раҳбарлигининг сир-асрорини пухта эгаллаган ишлаб чиқариш командирлари бўлишини талаб этади. Шундай экан, колхоз ва совхозларда хўжалик ҳисобида ишлайдиган бригада бошлиқларини танлаш ва тарбиялашга район партия комитетлари алоҳида эътибор беришлари зарур. Тегишли министрликлар, идоралар ва уларнинг жойлардаги органлари бригадирларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш учун ҳамма чораларни кўришлари лозим.

Янги типдаги бригадаларда тузилган партия группалари ёки партия ташкилотчилари ҳар бир ишловчи ходимга ўз таъсирини ўтказишлари, коллективнинг меҳнат ва ижтимоий фаолиятида етакчи роль ўйнашлари, меҳнатни ташкил этишнинг янги, илғор формаси учун курашга бошчилик қилишлари керак.

Ўзбекистон деҳқонлари КПСС XXVI съезди қарорлари, партия Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида тасдиқланган Озиқ-овқат программасини ҳаётга татбиқ этиш учун фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Колхоз ва совхозларда меҳнатнинг пухта ташкил этилиши пировард натижада катта муваффақиятларга эришишнинг ишончли гарантиясидир. Бу йўлда тинмай изланиш, ташкилотчилик кўрсатиш партия, совет, хўжалик органлари, раҳбарлар ва мутахассисларнинг бурчи ҳисобланади.

Ҳозирги кунларнинг ҳар бир дақиқаси олтинга тенг. Мўл ҳосил усталари буни яхши биладилар ва айни шу вақтда бутун маҳоратларини ишга солиб, ҳосилга-ҳосил қўшиш пайида бўладилар. Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари ана шундай тадбиркор деҳқонлардир. Улар юбилей йилида ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олишган. Ҳозир далаларда 20 та чопиқ трактори юксак унум билан ишлатилаётир. Юздан ортиқ сувчи эса иноҳларни обиҳаётга қондирмоқда. Намунали парвариш туфайли барча майдонларда ғўзалар серҳосил бўлиб ўсмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Колхознинг эллиқцентнерчи бригадаси бошлиғи Ҳабил Тўраҳўжаев ҳосил ниҳолларини кўздан кечирмоқда. 2. Ғўза қатор ораларига ишлов берилаётган пайт. 3. Илғор механизатор Абдулла Эргашев.

Ж. Тўраев фотолари.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Кузда кўтарилмадиган «оқ олтин» хирмонининг салмоғи ҳозирги кундаги ғўза парваришининг сифатига боғлиқ. Буни сидқидилдан ҳис этган Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхозининг азамат пахтакорлари ҳар бир фурсатдан оқилона фойдаланиб экинларни яшнатяптилар. Ҳамма бўлим ва бригадаларда иш социалистик мусобақа асосида ташкил этилган. Эршунослар — бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорликда иш тутиб ғўза ривожини таъминлаяптилар.

Тошмурод Гулмуродов уста бригада бошлиқларидан бирм. Мазкур бригадага бориб қолсангиз ғўзалар тизгинсизга урадк. Ҳар тупида шингил-шингил кўсак ва гул маржонлари. Бундай манзарани кашф этиш учун аҳил коллектив кўп тер тўкди. Қилинган ҳалол меҳнат ҳозирнинг ўзидаёқ кўзга яқол ташланмоқда. Ғўзага ишлов беришда Тоҳиржон Гулмуродов, Муҳаммаджон Холмуродов, қондириб суғоришда эса Абдулбоқи Бекмирзаев, Абдуҳапил Ҳасановлар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиляптилар. Ана шундай фидокорларнинг ғайрат-шижоати туфайли бригадада ғўзалар кунда бир яшнамоқда. Аҳил коллектив гектаридан 50 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олган экан, ҳозирнинг ўзидаёқ шунча миқдордаги ҳосил яратилаётганлиги яқол кўзга ташланиб турибди..

Х. РУСТАМОВ.

МАРРАМИЗ — 50 ЦЕНТНЕР

Жонажон партиямизнинг тарихий XXVI съезди қарорларида ингичка толали пахта етиштиришни янада кўпайтириш муҳим вазифаларидан бири эканлиги таъкидланган. Буни дилдан ҳис этган бўлимимиз пахтакорлари мавжуд майдонни 200 гектарида саноатимиз учун қимматбаҳо хом ашё ҳисобланган ингичка толали пахта етиштирмоқда.

Июль ҳосилга ҳосил қўшиш ойи ҳисобланади. Бу даврда тадбиркорлик билан меҳнат қилган деҳқон кузда афсусланмайди. Бўлимимиз пахтакорлари шуни ҳисобга олиб барча куч ва имкониятни ғўза парваришига қаратмоқдалар. Барча ишчи кучи ва техника ишга сафарбар этилган. 5 та пахтачилик бригадасининг барчасида ғўза парварриши шу кунгинг талаблари асосида ўтказилянти, мавжуд бешта культиватор бенуқсон ишламоқда. Ғўзага ишлов беришда маҳаллий ва минерал ўғитдан фойдаланмоқдамиз.

Ғўза парваришини намунали ташкил этиш учун бўлимимизда ўзаро социалистик мусобақа ҳаракати кенг қулоч ёйдирилган. Бригада ва механизаторлар, сувчи ва чопиқчилар ўртасида беллашув қизғин тус олган. Мусобақа голиблари модданий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Далада ишлаётганлар учун барча шароитлар яратилган. Умрзоқ Нурқобилов, Юсуф Тўраев, Мусурмон Чўриев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўзага тўртинчи ишлов берилмоқда. Улар бу йил пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 50-55 центнерга етказиш ташаббуси билан чиққанлар.

Ҳосилга-ҳосил қўшишда асосий фигуралардан бири — механизаторлардир. Бўлимимизда моҳир механизаторлар кўпдан топилади. Б. Бўриев, Т. Алиқулов, С. Чориевлар шу кунинг илғорларидир. Уларнинг ҳар бири ғўзани озиқлантириш билан бирга 7—8 гектар майдондаги ғўзага ишлов беришяпти. Культивация сифатли бажарилмоқда. Ишчи органлари сони 40—42 тагача ўрнатилган. Механизаторларнинг жасорат кўрсатиб меҳнат қилаётганликлари туфайли ҳар куни бўлимда 34—40 гектар майдондаги ғўзага сифатли ишлов берилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларидан руҳланган бўлимимиз пахтакорлари бу йил ялпи ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказишга қарор қилдилар. Олинган бу мажбуриятни бажариш учун резерв ва имкониятлар ишга солинмоқда, тадбирлар белгиланди. Кўзланган маррани эгаллаш учун курашда миришкорларимиз ҳам астойдил меҳнат қилишмоқда. Улар ҳар қатра оби-ҳаётдан самарали фойдаланиб, суғоришни икки сменада ташкил этганлар.

Оби-ҳаёт тақсимотчиларимизнинг жонбозлиги туфайли ғўзаларимиз ҳар куни бир яшнамоқда. Д. Чўтбоев, Е. Қурбонов, Т. Нормуродов каби сувчилар ғўзани қондириб суғоришда бошқаларга ибрат бўлишяпти.

О. МЕНГЛИБОЕВ.
Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозининг бўлим бошқарувчиси.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов СССР Олий Совети Президиумининг меҳмони сифатида Совет Иттифоқига келган Филиппиннинг таниқли давлат ва жамоат арбоби, Катта Манила губернатори, министр Имельда Р. Маркосхонимни 8 июль куни Кремлда қабул қилди.

Н. А. Тихонов Л. И. Брежневнинг Филиппин Республикаси президенти Ф. Маркоса ва шахсан И. Р. Маркоса саломини топширди ва яхши истакларини билдирди.

Суҳбат вақтида Филиппин Республикасининг Президенти Ф. Маркос СССРга қилган расмий визитидан буён ўтган олти йил мобайнида Совет — Филиппин муносабатлари тобора ривожланиб, конкрет мазмун билан бойитилганлиги мамнуният билан қайд этилди. Муносабатларнинг шу ʼтаҳлитдаги ривожи совет ва филиппин халқларига наф келтириб, Осиёда ва бутун жаҳонда тинчлик ҳамда хавфсизлик манфаатларига мос бўлиб тушади. Томонлар совет ва филиппин халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик, ишонч, дўстлик ва ҳамкорликни бундан буён ҳам кучайтириб боришга интилишганлари уқтириб ўтилди. Н. А. Тихонов билан И. Р. Маркос илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисида 8 июль куни Москвада имзоланган битимга юксак баҳо бердилар ва ҳар икки томон ўртасида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш ниятида эканликларини изҳор қилдилар. Улар жумладан, бир қанча объектлар соҳасидаги иқтисодий ҳамкорлик келгусида янада ривожлантирилажагини айтдилар.

Халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олиш вақтида И. Р. Маркос Совет Иттифоқининг тинчлик борасидаги ташаббусларига юксак баҳо берди. Л. И. Брежнев инсониятнинг тинч келажаги учун олиб борилаётган курашга шахсан жуда катта ҳисса қўшаётганлигини таъкидлади. Ҳар икки томон қайд этиб ўтганидек, замонамизнинг тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва инсониятни ядро фалокати хавфидан қутқазиш каби туб масалалари ҳал этилишидан Совет Иттифоқи билан Филиппин Республикасининг муштарак манфаатдорлиги халқаро ишларда Совет—Филиппин ҳамкорлигини ривожлантириш учун салмоқли негиз бўлиб хизмат қилади.

Н. А. Тихонов Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съездида ишонч тадбирларини денгиз ва океанлар акваториясига, хусусан серқатнов денгиз йўлларига жорий этиш тўғрисидаги таклифларига И. Р. Маркоснинг эътиборини жалб этди ва бу таклифларнинг амалга оширилиши тинчлик иши учун муҳим аҳамиятга молик эканлигини уқтирди.

И. Р. Маркос Филиппин Республикасининг Президенти Ф. Маркоснинг ва шахсан ўзининг дўстона саломларини Л. И. Брежневга етказишни сўради.

(ТАСС).

ФРАНЦИЯЛИК МЕҲМОН

Совет Итифоқида меҳмон бўлиб турган Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Клод Попрэн Ўзбекистонга келди. У В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиалида бўлди, республика пойтахтининг ҳозирги қиёфасига сазовор жойларини кўздан кечирди. К. Попрэн Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

«АМУДАРЬЯ» ЖУРНАЛИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоқ совет адабиётини ривожлантиришга меҳнаткашларни коммунистик руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшганлиги учун ва чиқа бошлаган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи органи «Амударья» журнали Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари
Г. ХАИДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1982 йил 9 июль.

КОСМОНАВТЛАРГА СССР МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ҳалқаро экипаж «Салют-7» — «Союз Т-5» — «Союз Т-6» орбитал комплекси ичида биргаликдаги тадқиқотлар ва эксперименталар программасини муваффақиятли бажарганлиги Совет Иттифоқи билан Франциянинг космосни тинчлик мақсадларида ўзлаштириш соҳасида тобора самарали ҳамкорлик қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов 9 июль куни Кремлда космос тадқиқотчиларига Совет Иттифоқининг юксак мукофотларини топширди.

Н. А. Тихонов мукофотларни топшира туриб, бундай деди: КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев сизларни — мана шу улуғвор экспедицияда қатнашган совет космонавтлари Владимир Александрович Жонибеков, Александр Сергеевич Иванченковни ва Франция граждани Жан-Лу Кретьенни космик учиш муваффақиятли амалга оширилганлиги билан чин қалбдан табриклашимни ҳамда сизларга космик фазони тинч мақсадларда ўзлаштириш ишига ижомат қилмоқда.

Н. А. Тихонов СССР космонавт учувчиси икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. А. Жонибековга Ленин ордени, СССРнинг космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. С. Иванченковга Ленин ордени ҳамда иккинчи «Олтин Юлдуз» медали, француз тадқиқотчи космонавти Ж.-Л. Кретьенга Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин Юлдузи» медалини топширди.

В. А. Жонибеков билан А. С. Иванченков жавоб нутқларида ўз меҳнатларига берилган юксак баҳо учун, эзгу табриклар ва истаклар учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, ўртоқ Леонид Ильич Брежневга чуқур самимий миннатдорчилик изҳор этдилар. Улар ўзимизнинг бутун кучимиз, билимимиз ва тажрибамизни бундан буён Ватан космонавтикасини, ўз социалистик Ватанимизни ривожлантириш ишига сарфлайверамиз, деб ваъда бердилар.

Ж.-Л. Кретьен ўзига СССРнинг олий мукофоти берилганлиги учун зўр миннатдорчилик изҳор этди. Бу учиш биз биргаликда кўп ишлар қилишимиз мумкинлигини кўрсатувчи жуда яхши ўрнак бўлади, деб ўйлайман, дели у. Бу биринчи марта бажарилган иш эди, лекин сўнгги марта эмаслигига ишонаман. Биз, шундай ишни биргаликда давом эттирамиз.

Ҳалқаро экипаж учиш тўғрисидаги эсдалик учун Н. А. Тихоновга орбитал комплекс ичида бўлган вимпелларни — космосни ўзлаштириш юзасидан биргаликдаги Совет — Франция программасини ифода этувчи медалларни топширди.

Мукофотлаш вақтида ҳозир бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, бошқа расмий кишилар космонавтларни самимий қутладилар.

(ТАСС).

ТАБИАТ—БОЙЛИГИМИЗ

9 июль куни Тошкентда Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти республика кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССРда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг бажарилиши билан алоқадор масалалар кўриб чиқилди. Жамият республика кенгаши президиумининг раиси, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов доклад қилди.

Ҳозирги вақтда жамиятнинг бошлангич ташкилотлари Ўзбекистон аҳолисидан тўрт ярим миллиондан кўпроқ кишини бирлаштириб турибди. Улар, деб уқтириб ўтилди пленумда, жамоатчи активлар ёрдами билан халқнинг бебаҳо бойлиги бўлган табиий ресурсларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш йўлида кўп иш қилмоқдалар. Ўтган йилнинг кузида ва баҳоридагина республикада икки юз миллион дарахт кўчати ўтказилди. Ҳаво ва сув муҳитининг ифосланиши устидан назорат ўрнатилган, табиатни муҳофаза қилишга оид бошқа тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бироқ ҳалқ манфаатлари, партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари, деб уқтириб ўтилди муҳокама давомида, табиатни эзгаловчи барча кишиларнинг уни муҳофаза қилиш, ундан оқилона ва омилкорлик билан фойдаланишда янада активроқ қатнашишини тақозо этади. Республика кенгаши пленуми жамият фаолиятини янада яхшилаш, унинг самарадорлигини оширишнинг конкрет йўлларини белгилади.

(ЎзТАГ).

ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИН БЎЛСИН

Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министрлиги хўжаликлари ва ташкилотлари ходимларининг партия-хўжалик активи йиғилишида Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министри А. А. Алимов КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва йўл-йўриқлари асосида мева-сабзавот хўжаликлари коллективларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка етиштиришни янада кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш, шунингдек маҳсулотни далада истеъмолчига етказиб беришгача бўлган йўлда унинг ноёб бўлишини кескин камайтириш ҳисобига республика аҳолисини шу маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш тадбирлари белгиланди.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИШЧИ КАДРЛАР МАЛАКАЛИ БЎЛСИН

Самарқанд областида ҳозирги пайтда 35 та қишлоқ ҳунар-техника билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ҳунар ва билим даргоҳларини битирган кадрлар бугунги кунда пахта далаларида, чорвачилик комплексларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш каналларини барпо этишда актив қатнашмоқдалар.

Ўнинчи беш йилликда областнинг колхоз ва совхозларига 30 минг нафар ёш ҳунарманд ишчи юборилган бўлса, ўн биринчи беш йилликда тайёрланадиган кадрлар сони янада ортади. Қишлоқ ҳунар-техника билим юртларини тамомлаганлар орасида ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар оз эмас. Уларнинг кўпчилиги эса партия ва давлатимизнинг мукофотлари билан тақдирланишган. 9-ҳунар-техника билим юртидан «учирма қилинган» механизатор Л. Рустамова пахта йиғим-теримида рекорд кўрсаткичига эришганлиги учун икки марта Ленин ордени билан мукофотланди. 26-ҳунар-техника билим юртини битирган А. Галиулин ҳам худди шундай мукофотга сазовор бўлган.

Бу йил қишлоқ ҳунар-техника билим юртларини 56 мутахассислик бўйича 8 минг киши битириб, областимизнинг колхоз ва совхозларига бориб ишлайди.

Билим юртлари билан таянч корхоналар ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бу ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашда ҳам, уларнинг ишлаб чиқаришга жойлашиб олишлари учун қулай имконият, шарт-шароитлар яратилганида ҳам ўз аксини топмоқда. Чунончи, Пахтачи районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шамси Назаров раҳбарлик қилаётган «Коммунизм» колхозини олиб кўрайлик. 69-қишлоқ ҳунар-техника билим юртини оталиққа олган мазкур хўжалик фақат 1980-1981 йиллар ичида ҳунар ва билим маскани учун ўқув корпуси бунёд этиб, ер ажратиб берди, шунингдек, техникадан ёрдамлашди. Кўп жиҳатдан ана шу ўзаро яқин алоқа ўрнатилганлиги, ҳамкорлиннинг самараси ўлароқ хўжаликда ўтган йилги нокулай келган об-ҳаво шароитида пахта танёрлаш плани зиёдаси билан ado этилди.

Ўқувчиларни қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида ўқитиш ва тарбиялаш ишига 1,5 минг ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими мастери жалб этилган. Уларнинг аксарияти олий педагогик ва инженерлик маълумотига эга. Айни пайтда шаҳар ва район партия комитетлари янги билим юртларига умумтаълим мактабларининг 200 нафар малакали педагоги, энг яхши инженер-техник ходимлари, ёшлар мураббийларини, шунингдек, таянч корхоналардан меҳнат ветеранларини сафарбар қилишди. Масалан, «Облколхозстрой» трестидан Иштихон районидаги 146-ҳунар-техника билим юртига 8 киши ўтди. 94-ҳунар-техника билим юртининг ўқитувчиси И. Асроев «Хлопкомаш» заводида катта инженер, ишлаб чиқариш таълими мастери Х. Ибрагимов 1-механизациялашган кўчма колоннада энг яхши экскаваторчилардан бири эди. Эндиликда бундай тажрибали мутахассислар ҳунар-техника билим юртларида ёшларга мураббийлик қилиш мақсадида.

Билим юртлари педагогик коллективлари томонидан ўқув-ишлаб чиқариш базаларини мустаҳкамлаш, ўқув кабинетлари, лабораторияларини ишлаб чиқариш устахоналари, полигонлар ва ўқув хўжаликларини ташкил этиш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Фақатгина кейинги беш йил давомида 238 умумтаълим кабинети, 89 та устахона ва техникани бошқариш учун 8 та полигон вужудга келтирилди.

Пойариқ районидаги 46, Иштихон районидаги 181, Катақўрғон шаҳридаги 94-ҳунар-техника билим юртларининг коллективлари ўқув машғулотларини таянч хўжаликларнинг аниқ вазифалари билан боғлаган ҳолда олиб бормоқдалар. Мазкур билим юртларида ўтказилаётган ишлаб чиқариш практикасида юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришилмоқда. Ўқувчиларнинг малакали бажарилган ишлари устозлар томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида ёшларнинг техник ижодкорлиги ривожланиб, бадиий ҳаваскорлар коллективлари сони кўпайиб, физкультура ва спортнинг оммавийлиги ошиб бормоқда. Ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касбкорлари бўйича билимларини чуқурлаштиришда кўп жиҳатдан синфдан ташқари ишлар алоҳида ўрин тутади. Бу жиҳатдан қараганда «Ёш механизатор», «Рационализатор» тўгаракларининг ўқувчилар ҳаётида катта аҳамият касб этмоқда.

Район партия комитетларида қишлоқ ҳунар-техника билим юртларини муваффақиятли битирганларни қабул қилиш, умумтаълим мактабларини тамомлаб, ўқишни ҳунар-техника билим юртларида давом эттиришга аҳдуғаймон қилган ёшларга комсомол йўлланмаларини топшириш областимизда яхши анъанага айланиб қолди. Билим юртларида вақти-вақтида ишлаб чиқариш илғорлари, партия ва комсомол съездлари делегатлари, маданият ва санъат ходимлари билан учрашувлар уюштириб турилади. Шунингдек, техник ва бадиий ижодкорлик кўргазмалари, турли спорт мусобақалари ўтказиш ҳам одат тусига кирган. Бундай тадбирлар ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касб-корни пухта эгаллашларида катта аҳамиятга эга.

Областимизда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши янада кўпроқ малакали кадрлар тайёрлашни тақозо этади. Зеро, СССРнинг Озиқ-овқат программасида ҳам «колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳалари яхши тайёргарлиги бўлган раҳбарлар, мутахассислар, оммавий касбдаги кадрлар билан мустаҳкамлансин, уларнинг малакасини ошириш ва қўнимсизлигини қисқартириш таъминлансин», дейилиши бежиз эмас.

Бундан буён қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида кадрлар тайёрлашни янада яхшилашнинг бирдан-бир йўли ўқув моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш, такомиллаштиришдир. Замонавий ишлаб чиқариш базаси ва ётоқхоналарига эга бўлган билим юртлари тез ва қийинчиликларга учрамай ўқувчилар қабул қилишларини тажриба яққол кўрсатмоқда. Афсуски, ишлаб чиқариш ўқуви учун зарур шароитни яратиб беришда етарли даражада ёрдам кўрсатмаётган таянч корхоналар ҳам бор. Масалан, Оқдарё районидаги 179-, Булунғур районидаги 175-, Ургут районидаги 91-ҳунар-техника билим юртлари 40—45 процент миқдорида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланган.

Ҳунар-техника таълимини равнақ топтириш учун қишлоқ мактаблари ўқувчиларининг ишчи касбларини танлашларига тўғри йўналтириш даркор. Бу проблемани мактаблар, корхоналар, комсомол, касаба союз органлари — ҳунар-техника билим юртларидан манфаатдор тегишли томонлар, идораларнинг иштироки ва ҳамжиҳатлигида ҳал қилиш мумкин.

Ёшлар ҳунар-техника билим юртларидан меҳнат чўққилари сари дастлабки одимни бошлайдилар. Билим ва маҳоратни ҳам ана шу жойларда эгаллайдилар. Ҳар томонлама ривожланган, дунёқараши кенг, юксак маданиятли ва малакали ишчи кадрларни тайёрлаш давлат аҳамиятига молик умумхалқ ишидир.

Б. ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитети фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири.

ФОТОРЕПОРТАЖ

Ўлкамизда ёз. Серфайз боғларда турли-туман мевалар ғарқ пишиб турибди. Оржоникидзе районидаги «Қизбрай» совхоз-заводининг боғбон ва соҳибкорлари ҳам ёз неъматларини эл дастурхонига жўнатишга киришдилар. Бу хўжалик меҳнаткашлари СССРнинг Озиқ-овқат программаси амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Совхознинг Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Умри Улуғхўжаева (чапдаги суратда) бошлиқ бригадаси азаматлари бу йил ҳар гектар боғдан 240 центнердан ҳосил йиғиштириб олишни кўзлашмоқда. Улар бу мажбуриятни албатта уддалаймиз, демоқдалар.

Григорий Гаврилович Попов (ўнгда) совхознинг пешқадам механизаторларидан бири ҳисобланади. У 17 йилдирки, боғбон ва соҳибкорлар билан ёнма-ён меҳнат қилади. Тажрибали механизатор етиштирилаётган мўл ҳосилда ўзининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан ҳаммиша фахрланади.

Совхоз узумзорларида ҳам иш қизғин. Соҳибкорлар токзорларга ишлов бермоқдалар. Пастдаги суратда ана шу манзара акс эттирилган.

А. Жданов фотолари.



ПОЛИЗЧИЛАР АҲДИ

Муҳиддин Ўроқовнинг полизчилик билан шуғулланаётганига ҳали уяча кўп вақт бўлгани йўқ. Бу йил у иккинчи маротаба Хўжақўрғон қўрғонига уруғ экди. Ҳозир бу ерда бўлсангиз, сераёк ўсаётган қовун палакларини кўриб хурсанд бўласиз.

Дастлабки йил ҳосили ёмон бўлмади. 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 330 центнер ўрнига 350 центнердан ширин-шакар қовун етиштирилди. Ўн бешдан зиёд қовун нави «Самарқанд ерининг саховати» область кўргазмасида намойиш этилди. Хўжабилмас, доними, оқ новвот сингари тилими тилни ёрадиган қовунлар ўтган йили полизнинг ўзида ўтказилган ширинак сайлида юқори баҳоланди.

Муҳиддин ака бу йил ҳам 20 гектар майдонда қовун етиштиряпти. Сифатли чопиқ қилиниб, парваришланаётган қовун палаклари кун сайин дуркун ривожланаяпти. Бунда механизатор Эгамберди Эшбоев, звено бошлиқларидан Жўрақул Қаюмов, Жўрақул Эшназаров, Иброҳим Қаҳҳоров, Гофир Эргашевларнинг хизмати катта бўлаяпти.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари бригадамиз полизчиларининг ҳам ғайратига-ғайрат қўшиб юборди, — дейди биз билан суҳбатда Иштихон районидаги «Меҳнат роҳат» колхозининг полизчилик бригадаси бошлиғи Муҳиддин ака Ўроқов, — биз Пленум материалларидан илҳомланиб, ўз зиммамизга оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилдик. Юбилей йилида гектаридан 400 центнердан болдек ширин қовунлар етиштирамиз. Ҳадемай полизларимизда қовунлар пиша бошлайди. Бу йил ҳам республика ва область кўргазмаларида фаол қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритиш ниятимиз бор.

У. САИДОВ.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Чортоқдаги 111-қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари шалбаликларда ҳашар йўли билан сигирхона қурдилар. Бу ерда 15 бош соғин сигир ва шунча бузоқ бор. Чортоқ район ижроия комитети ёрдамчи хўжаликка 10 гектар суғориладиган ер ажратиб берди. Бу ерда озуқабоп экинлар етиштирилмоқда.

Ердамчи ферма маҳсулотлари билим юртининг ошхонасига келтирилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

БУЮРТМАЧИЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Косонсой посёлкаси марказига кираверишингизда замонавий, кўркам бино салобат билан қад кўтариб турибди. Бу — янги маиший хизмат уйи. У 1980 йилда фойдаланишга топширилганди. Маиший хизмат уйи директори Муҳтарам Абдуқодирова билан бирга бино ичини айландик. Биринчи қаватда пойабзал ремонти цехи, овоз ёзиб олиш пункти, иккинчи қаватда эса тикувчилик цехи, суратқашлик устахонаси жойлашган.

— Мана бу ерда истиқболи порлоқ цехларимиздан трикотаж цехи фаолият кўрсатмоқда, — деди директор мамнунлик билан; учинчи қаватга кўтарилар эканмиз.

Маълум бўлишича, Косонсой районида яқин-яқин вақтларгача майда ҳунармандчилик мавжуд бўлиб, этикдўзлик, кийим-кечак тикиш билан шуғулланиларди. Эндиликда эса барча маиший хизмат точкалари район ишлаб чиқариш бошқармасига бирлашган. 131 маиший хизмат точкаларидан 74 таси қишлоқларда жойлашган.

Кейинги йилларда Косонсой районда «Чевар» ателъеси, «Ленин йўли», «Коммуна», «Правда» колхозларида, «Қўқумбой» совхозида маиший хизмат уйлари қурилди. Уларда пойабзал ремонти устахонаси, сартарошхона, суратқашлик ҳамда тикувчилик цехлари очилган. Булардан ташқари, районнинг барча хўжаликлари марказий қўрғонида комплекс қабул пунктлари ишлаб турибди. «Дўстлик» совхозида эса иккита ана шундай пункт қишлоқ меҳнаткашлари хизматида.

Косонсой район ишлаб чиқариш бошқармаси ихтиёридаги иккита махсус машина колхоз ва совхозлар меҳнаткашларига бевосита далада ўзида хизмат кўрсатмоқда. Аҳолига ҳам муайян белгиланган жойда, ҳам мижозлар ҳузурига таниф бўлган ҳолда хизмат кўрсатиш қишлоқ меҳнат аҳлига катта қулайлик туғдирмоқда.

Кишиларнинг оғирини енгил қилиб, уларга яхши кайфият бағишлашга даъват этилган маиший хизматчилар ҳамиша хўжаликлар раҳбарлари, халқ депутатлари қишлоқ Советлари билан ўзаро яқин алоқада, ҳамкорликда меҳнат қилишади. Иш графиклари тузилганда, меҳнаткашларнинг долзарб мавсумда иш билан банд бўлишлари ҳам инобатга олинади. Шу боиздан ҳам йиғим-терим мавсуми мобайнида комплекс пунктлар кунинг иккинчи ярмидан ишлай бошлайдилар.

Барча комплекс қабул пунктлари яхши жиҳозланган қулай биноларга жойлашган. У ерларда «буюртмалар бурчаги» бўлиб, пунктда кўрсатиладиган хизмат турлари кўринарли жойларга ёзиб қўйилган. Аҳоли учун бошқа қатор қулайликлар ҳам яратилган.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари ўтган йили планда мўлжалланган 270,4 минг сўмлик ўрнига, амалда 282,9 минг сўмлик хизмат кўрсатишди. 1981 йил якунига кўра Косонсой ишлаб чиқариш бошқармаси Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди. 1982 йил биринчи квартал якуни бўйича, эса Наманган область ижроия комитети ва маҳаллий саноат ҳамда коммунал-маиший корхоналар ишчилари область касаба союзлари комитети аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг дипломини олишга сазовор бўлди. Коллектив томонидан бу йилнинг беш ойлик плани ҳам зиёдаси билан ado этилди. Аҳолига пландагидан ташқари 10 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Бу ютуқларга ишланиш, фойдаланилмаётган резервларни ишга солиш туфайли эришилди.

«Қўқумбой» совхозида буюртма қабул қилувчи Мавлуда Султонованинг яхши билишади. Йиғим-терим ишлари авж олдириб юборилган пайтда у комплекс қабул қилиш пунктида кундузи соат 4 дан кейин бўлади. Негаки, эрталабдан у далада бўлиб, ўша ерда колхоз-совхоз меҳнаткашларидан буюртмалар қабул қилади. Мавлуда халққа хизмат кўрсатишнинг прогрессив формаларидан унумли фойдаланади. Ишчи-хизматчиларнинг эҳтиёжи, талаби ва таклифини алоҳида дафтарга қайд этиб боради. Шу билан бирга уларни келгусидаги ишларида ҳисобга олади.

Бўларнинг ҳаммаси қишлоқ аҳолисига планли равишда, хизмат кўрсатишга ва иш маданиятини кўтаришга ёрдам беради. Султонованинг иш тажрибаси коллектив касаба союз ташкилотининг йиғилишларидан бирида муҳокама қилинди ва у ҳозир барча пунктларда қўлланмоқда.

Коллективда ишлаб чиқариш ютуқларига эришишда социалистик мусобақа ҳал қилувчи роль ўйнаяпти. Косонсойлик маиший хизматчилар социалистик мусобақа шартларини ишлаб чиқишар экан, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан бир қаторда меҳнат интизоми ва ҳар бир касаба союз аъзосининг активлигини оширишга алоҳида эътибор беришади. Бинобарин, мусобақани якунлаш чоғида асосий кўрсаткичлар билан бирга мазкур пунктларнинг қай даражада бажарилганлигини ҳам назарда тутадилар. Мабодо уста ишга сабабсиз кечикиб келган, прогул қилган бўлса, ойлик якунида у мукофотдан, ўн учинчи маошдан маҳрум этилади. Лекин эътироф этиш керакки, кейинги вақтларда район ишлаб чиқариш бошқармаси бўйича меҳнат интизомини бузувчилар учрамади.

— Коллективимиз аъзолари аҳил, ҳар соҳада баҳамжиҳат, баракали меҳнат қилишмоқда,— деди биз билан суҳбатда ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Ҳакима Ҳамдамова. — Бизда «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зардоб ҳафта» ҳаракати кенг қулоч ёйдириб юборилган. Мусобақанинг олдинги сафларида бориб, голиблик қилаётган зардобдорлар анчагина. Мана, қарийб 32 йилдан бери бичиқчи-тикувчи бўлиб ишлаётган Абдуллахон Пўлатовни олиб кўрайлик. У фақат эркаклар устки кийимларини эмас, балки аёллар кийим-кечагини ҳам маҳорат билан тикади. Косонсойнинг ўзида, маиший хизмат уйида унинг собиқ устози Иноятхўжа Султонов ишлайди. У кўпдан бери пенсияда, аммо биринчиликда ёшларга бўш келмайди. Мана, ҳозир ҳам у тикувчилик цехи комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Шариф Исроиловни социалистик мусобақага чақирган.

Косонсойда уста сартарош Юнусхон Дадахўжаевнинг номи ҳам кўпчиликка яхши таниш. У ўз касбида қарийб 40 йилдан бери ишлаб келяпти. Бир неча бор медаллар, Наманган область маиший хизмат бошқармасининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. Сартарош Асихон ака Маҳмудовнинг иш стажи ҳамкасбиникидан бир оз кам. Бу ерда у билан бирга укаси Жўрахон Маҳмудов ҳам ишлайди. Асихон аканинг ўғли — Олимхон ҳам ўрта мактабни битириб, сартарошхонага ишга келди.

— Ишчи-хизматчиларимизнинг бугун диққат-эътиборлари КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини амалга оширишга қаратилган, — деди Ҳакима Ҳамдамова. — Бошқармамизнинг барча бўлимларида қишлоқ меҳнаткашларига юқори сифатли хизмат кўрсатиш бўйича социалистик мусобақа қизитиб юборилган. Яқинда Косонсойда химчистка очилди. У ГДРдан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Химчистка ҳозирданоқ олга хизмат кўрсатишнинг янги «Бугунми бугун» формаси асосида ишлаяпти. Бундай иш усулининг афзаллиги ҳақида «Косонсой» совхозининг сут соғувчиси Хосиятхон Нуриддинова, Қуйбишев номли колхоз сут соғувчиси Жамила Қўчқорова, область марказидан Косонсойга келган Баҳриддин Ҳожимхўжаев бошқаларнинг «Шикоят ва таклифлар», дафтарига ёзиб қолдирган миннатдорлик сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Ҳозир маиший хизмат ходимлари хизмат кўрсатишнинг барча зарур турлари бўйича буюртмалар қабул қилишни кенгайтириш, чўпон-чўлиқлар учун комплекс қабул пунктларининг филиалларини очиш, қишлоқларда 15 та маиший хизмат точкаси, «Тожикистон», «Шарқ юлдузи», Худойбердиев номли совхозларда «Гўзаллик» фотосалонининг 3 та пунктини ташкил этишни мўлжаллаб туришибди. Пойабзал, соат, кийим-кечак, радио-телевизорлар ремонти бўйича буюртмаларни шошилинч, тезу соз бажаришни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Ана шу тариқа йил охиригача аҳолига пландан ташқари 35 минг сўмлик хизмат кўрсатиш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ меҳнаткашлари оғирини енгил қилиб, уларга намунали хизмат кўрсатиб, эл олқишини олаётган Косонсой районидаги ишлаб чиқариш бошқармаси коллективининг янги-янги ютуқларга эришишларида муваффақиятлар тилаймиз.

С. ЧУХЛЯЕВА,
«Узгипротехбит» институти илмий-техника ахборотчи бўлимининг бош мутахассиси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Қорақалпоқ совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва «Амударьё» журнали чиқа бошлаганига эллик йил тўлиши муносабати билан «Амударьё» журнали бош редакторининг ўринбосари Толепберген **Матмуратов,** Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитети бўлим мудирининг ўринбосари Улмамбет **Хўжаназаров** ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

«Амударьё» журнали ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига оптмиш йил тўлиши муносабати билан Самарқанд область Жомбой районидаги «Белоруссия» совхозининг директори ўртоқ Эргаш **Нурматовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Самарқанд область бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Маликжон Наврўзович **Наврўзовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, шаҳарнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашганлиги учун халқ депутатлари Қўқон шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Мўътарамхон Эсановна **Рустамқуловани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Қишлоқ ҳақиқати"га жавоб берадилар

«ҚИНҒИР ИШНИНГ ОХИРИ ВОЙ»

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг шу йил 21 апрель сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Фарғона областидаги айрим магазинларда совет савдоси қоидаси қўпол равишда бузилаётганлиги, харидорлар ҳақига хиёнат қилинаётганлиги фош этилган эди.

Мақола юзасидан Фарғона область матлубот жамиятлари союзи правлениеси қуйидагиларни маълум қилади:

«Қинғир ишнинг охири вой» сарлавҳали мақола область матлубот жамиятлари союзи правлениесининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди.

Савдо ташкилотлари ҳамда корхоналарининг иши устидан назоратни бўшаштириб юборганликлари учун Риштон, Фарғона Ёзёвон районлари матлубот жамиятлари союзи правлениеларининг раислари А. Иўлдошев, А. Абдураҳмонов, Я. Набиев ўртоқлар огоҳлантирилдилар.

Ёзёвон район матлубот жамиятлари союзига қарашли 2-магазин мудири Р. Аҳмедов, Водил матлубот жамиятига қарашли 19-магазин мудири М. Зиёмов, Риштон район матлубот жамиятлари союзига қарашли универсал магазиннинг радио моллари бўлими мудири Ҳ. Маҳкамовнинг иши тергов органларига топширилди.

Водил, «Навбаҳор» матлубот жамиятларининг раҳбарлари Н. Ашуралиев ҳамда Пўлатов ўртоқлар район матлубот жамиятлари союзи томонидан жазоландилар.

Мақола область, район матлубот жамиятлари союзлари правлениеларининг мажлисларида ҳамда савдо ходимлари коллективларининг умумий йиғилишларида муҳокама этилди. Бундан буён совет савдоси қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик учун тадбирлар белгиланди.

ФЕРМАЛАРДАН ХАБАРЛАР

ФАРҒОНА. Риштон районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози йирик чорвачилик фермаларига эга. Шу кунга қадар хўжаликнинг азамат чорвадорлари давлатга 1500 тоннага яқин гўшт топширдилар. Бу ўтган йилнинг шу даврида гидан 300 тонна кўпдир. Хўжаликда қорамол ва қўй-эчкилар яхши парвариш қилиниб, гўшт етиштиришни кўпайтириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Йил охиригача яна 500 тонна гўшт топшириш учун бўрдоқилар жадал семиртирилянти.

С. БЕШИМОВ.

* * *

ТОШКЕНТ. Янгийўл пахта тайёрлаш пункти коллективи ўз ёрдамчи хўжаликларида 20 бош қорамолни парвариш қиляпти. Йил охиригача 2 тонна гўшт тайёрлаш ҳамда чорва моллар бош сонини 25 бошдан камайтирмасликка қарор қилинди. Ёрдамчи хўжаликда Карима Алиева ва Хайри Ҳожиевалар баракали меҳнат қилишяпти. Янгийўл шаҳар комсомол-ёшлари ёрдамчи хўжаликлар учун пичан жамғаришда ғайрат кўрсатишяпти. Улар мавсумда 400 тонна табиий пичан жамғаришга аҳд қилишган. Ҳозирга қадар 250 тоннадан ортиқ пичан жамғарилди.

Х. МИРЗАЕВ.

* * *

Шунингдек, редакциямизга чорвадорларнинг самарали ишлари тўғрисида Навоий областидан **Б. Эгамов, Б. Мансуров,** Хоразмдан **Ш. Сафаров,** Қашқадарёдан **Ш. Маҳмудов,** Сирдарёдан **Ж. Санджалолов,** Намангандан **Қ. Акбаров, Қ. Тўраев,** ҚҚАССРдан **Б. Дўсчонов, С. Қутлимуродов,** Жиззахдан **А. Имамов,** Фарғонадан **А. Қодиров, С. Дадахўжаев, У. Қурбонов,** Сурхондарёдан **Б. Муҳаммадиев, А. Тошмуродов** ўртоқлар ҳам хат-хабарлар ёзиб юборишган.

КИМНИНГ ҚИШЛОҒИ КЎРКАМ

ЧЎЛДА ЯРАЛГАН БЎСТОН

ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ ЭНГ ЯХШИ ҚУРИШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ БУТУНИТТИФОҚ КЎРИК-КОНКУРСИНИНГ СОВРИНДОРЛАРИ

«Инсон тўғрисида шахснинг ҳар томонлама ва уйғун равишда камол топиши учун тобора қулай шароитларни яратиш ҳақида ғамхўрлик қилиш партия билан Совет давлатининг диққат марказида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади», — дейилади СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасида. Бугунги кунда халқ фаровонлигини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилиш партия сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди. Бу борада республикамизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили барча қулайликларга эга бўлган замонавий посёлкалар, агрошаҳарчалар қад кўтармоқда. Жойларда меҳнаткашларнинг яхши дам олиб, самарали меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Сурхондарё областининг Ленин йўли районидаги Қосим Раҳимов номли совхозда шу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳам фикримизнинг далилидир. Мазкур совхознинг марказий посёлкаси Бутуниттифоқ кўрик-конкурсининг якунига кўра СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дипломи билан тақдирланди.

Биз қуйида ана шу хўжаликда социал-иқтисодий ривожланиш комплекс планининг қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида ҳикоя қиламиз.

УШАЛГАН ОРЗУ

Истара дашти. Бу ернинг қадимий номи шундай. Тупроғи эса тупроқмисан тупроқ. Олтин ундирса бўладиган бу ерлар неча ўн йиллар давомида кимсасиз чўл бўлиб ётди. Йўли тушиб қолган йўловчи бу ерлардан ўтар экан, «Қани, сув бўлса-ю, бу ерлар ҳам боғ-бўстонга айланса», деб орзу қиларди. Бир вақтлар сойлардан шу чўлга ҳам сув келиб турган. Ерли халқ деҳқончилик қилган. Истаранинг тилими тилини ёрадиган қовун-тарвузлари ҳақида кексалардан қатор-қатор ҳикоялар эшитиш мумкин. Сув бўлмаганидан кейин тирикчилик бўлармиди, одамлар аста-секин кўчларини орқалашиб, бу ерни тарк этганлар...

Шундан буён кўп йиллар ўтди. Инсон деҳқончилик қилган ерига унинг авлоди, албатта, қайтар экан. Областдаги тўнғич сунъий денгиз — Жанубий Сурхон сув омбори қурилиб, чўлга об-ҳаёт оқиши билан Истара ҳам одамга гавжум бўла бошлади. Кўчиб кетганларнинг невара ва эваралари ота-боболарининг киндик қони тўкилган қишлоқда яна қарор топа бошладилар.

Истара даштида совхоз ташкил этилганлигига ҳам ўн икки йил бўлиб қолди. У Қосим Раҳимов номи билан аталган. Хўжалик меҳнаткашлари тўрт минг гектардан зиёд ерда деҳқончилик билан шуғулланадилар. Деҳқончиликнинг асосини эса пахтачилик ташкил этади. Ҳар йили совхоз пахтакорлари 3600 гектар майдонда пахта етиштирадилар. Бошоқли дон, маккажўхори, полиз, боғдорчилик, чорвачилик, лимончилик ҳам деҳқонларнинг жонажон иши бўлиб қолган.

— Ўн икки йиллик кўрсаткичларни, эришилган ютуқларни бирма-бир санаб ўтишнинг ҳожати йўқ. Деҳқон учун жуда иноқулай келган ўтган йилги шароитда хўжалик меҳнаткашлари қўлга киритган ютуқлар ҳақида икки оғиз ҳикоя қилмоқчимиз. Совхоз пахтакорлари ўтган йили давлатга 12,5 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Топширилган пахтанинг 7,8 минг тоннаси эса ингичка толали пахта ҳисобланади. Давлатга чорвачилик маҳсулотлари топшириш бўйича ҳам яхши кўрсаткичларга эришилди. Совхозда бир гектар майдонда лимонзор ташкил этилган бўлиб, ўтган йили 200 минг дона лимон топширилди. Қаранг, бир вақтлар Истара чўлида фақат қовун-тарвуз етиштирилган бўлса, бугунги кунда халқимизнинг фахр ва ифтихори «оқ олтин», дастурхонимиз зийнати бўлган чорвачилик маҳсулотлари, ҳар хил мевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, бунинг устига ноёб ингичка толали пахта етиштирилмоқда.

Совхоз республика социалистик мусобақаси голиби ҳисобланади. Байроқдор хўжалик меҳнаткашлари юбилей йилида 3600 гектар майдондан она-Ватанга 15 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Тасаввур қилинг, бир вақтлар сувсизликдан қақраб ётган ерларнинг ҳар гектаридан бугунги кунда қарийб 45 центнердан пахта ҳосили етиштиришга эришилмоқда. Бу йил совхоз ғаллакорлари 300 гектар бошоқли дон экилган майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан, маккажўхорикорлар эса 270 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 110 центнердан, сабзавоткорлар 56 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 250 центнердан ҳосил кўтарадилар. Гўшт, сут, тухум етиштириш ўтган йилдагига нисбатан 20—25 процентга кўпайтирилади. Бу йил хўжалик чорвадорлари давлатга 750 тонна сут, 180 тонна гўшт, 120 минг дона тухум топширадилар.

Ҳозирги кунларда ана шу хўжаликка ташриф буюрсангиз, жўшқин меҳнатнинг, совхоз меҳнаткашлари қайғиятидаги тетиклик, ғайратшижоатнинг гувоҳи бўласиз. Совхоз боғидаги мевалар ғарқ пишмоқда. Далаларда эса тракторлар овози, лимонзорга кирсангиз димоғингизга ажиб ҳид урилади. Ҳул лас, қайси томонга юрманг, ҳар бир гўзалик совхоз чиройига-чирой қўшишга интилаётгандек туюлади кишига. Совхознинг марказий посёлкасида бўлсангиз эса...



Суратда: маданият ва истироҳат боғидаги аттракцион майдончаси.

И. Вайнштейн фотолари.

ДАЛАЛАРГА ТУТАШ ШАҲАРЧА

— Посёлкамиз шу ердан бошланади, — дейди совхознинг турмуш маданияти бўйича директор ўринбосари Муҳаббат Довутова. — Совхоз идораси қаршисидаги икки қаватли бино — «Пахтаой» болалар боғчаси. Боғча ҳовлиси тоза, батартиб. Бинонинг биринчи қаватида 4 ёшгача бўлган болалар тарбияланмоқда. Иккинчи қаватда эса мактабга тайёрлаш группаси жойлашган. Ҳар куни болалар боғчасига 90 нафардан кўпроқ ўғил-қиз келади. Тарбиячилар Мастура Мирзаева, Санам Қораева, Шарифа Жўраева, Анорхол Юсуповалар ёшларни меҳр билан тарбия қилмоқдалар. Музика ўқитувчиси Бозоргул Раҳимова эса болаларда музикага бўлган ҳавас ва қизиқишни уйғотмоқда. Ошпаз Очилтош Мўминова эса ҳар куни болаларга белгиланган меню бўйича мазали таомлар тайёрлаб беряпти.

— Совхоз дирекцияси, ишчилар комитети боғчада тарбияланаётган болалар учун ҳамма нарсани муҳайё қилиш чораларини кўради, — деб сўзини давом эттиради Муҳаббат Довутова. — Боғчаларимизга ҳар куни сут, қатиқ, тухум, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг етказиб берилиши назорат қилиб борилади.

Фақат «Пахтаой» боғчасида эмас, «Ғунча» боғчасида ҳам совхоз меҳнаткашларининг фарзандлари учун барча шароитлар яратиб берилганлигининг гувоҳи бўлдик. Совхоз марказий посёлкасидаги тўртта болалар боғчасидаги шароит тозалик, ободончилик бири-иккинчисидан қолишмайдиган даражада. Шундай бўлиши табиий, албатта. Чунки болалар ҳаммамизнинг келажагимиз. Бугун яхши тарбияланган совхоз меҳнаткашларининг фарзандлари келгусида шу хўжаликнинг янада равнақ топиши учун ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишлари шубҳасиз.

Посёлка марказидаги икки қаватли, замонавий қилиб қурилган ўрта мактаб уста санъаткор Аброр Хидоятов номи билан юритилади. Бу ўрта мактабда чўқуварларнинг 600 дан ортиқ ўғил-қизи таълим олмоқда. Эллик ўринли шифохона дорихона, медпункт ҳам совхоз меҳнаткашлари учун намунали хизмат кўрсатмоқда.

— Посёлкамиз бош план асосида қурилган, — дейди Янги ҳаёт қишлоқ Совети раиси Очилди Муродов. — Посёлкада истиқомат қилаётган аҳоли биринчи навбатда 26-қишлоқ қурилиш трестига қарашли 87-механизациялашган кўчма колонна қурувчиларидан миннатдорлар. Ҳозир марказий посёлкада бинокорлар қуриб беришган юздан ортиқ уйда совхоз ишчилари, қурувчилар истиқомат қилишмоқда. Посёлка кўчалари асфальт қилинган. Уйларда истиқомат қилаётганлар кучи билан теварак-атроф ободонлаштирилмоқда, кўкламзорлаштирилаётир. Совхоз дирекция партия ташкилоти, ишчилар комитети, қишлоқ Совети ва унинг кўп сонли депутатлари бинодейишга арзигулик. Клубга Термиз музика билим юртини битириб чиққан мутахассис Равшан Ражабов мудирлик қилмоқда.

Клуб қошида «Нилуфар» ашула ва рақс ансамбли тузилганига ҳам анча бўлиб қолди. Совхознинг ҳаваскор санъаткорлари пахтакорлар, чорвадорлар ҳузурида тез-тез бўлиб, концертлар қўйиб берадилар. Ансамбль қатнашчилари совхоз ишчилари, механизациялашган кўчма колонна қурувчилари. Масалан, хоманда Нурбой Холиёров совхоз ишчиси. Рақсчи Бўри Муртазақулов механизациялашган кўчма колоннада кранчи бўлиб ишлайди. «Пахтаой» болалар боғчаси ошпази Очилтош Мўминова, «Қалдирғоч» болалар боғчаси тарбиячиси Ойнахол Нурмановалар ўзларининг ёқимли қўшиқлари билан совхоз меҳнат аҳлининг ҳурматини қозонганлар.

— Клуб қошида шахматшашка, рубоб, доира, аккордион, ашула тўгаракларидан ҳам мунтазам ишлаб турибди, — дейди Равшан Ражабов. — Масалан, шахмат-шашка тўгарагида совхознинг спорт бўйича инструктори Аллаёр Жўраев раҳбарлик қилади. Бу тўгаракда ҳозир 16 киши иштирок этмоқда. Улар ораларидан ўзаро куч синашдилар. Сўнгра район, область мусобақаларида ҳам қатнашмоқдалар. Ўтган йили тўгарак аъзоларидан Ўроз Муродов, Мусурмон Сатторов область мусобақаларида қатнашиб, 3- ва 5-ўринларни эгалладилар.

Ўрта мактаб спорт залида эса кураш, теннис, футбол, волейбол тўгараклари ташкил этилган. Совхознинг «Истара» футбол командаси район мусобақаларида этваффақиятли иштирок этмоқда.

— Яхши дам, маданий ҳордиқ янада унумли меҳнат қилишга чорлайди, — дейди совхоз директори Ғаффор Холиқов. — Бугунги кунда инсон тўғрисида ғамхўрлик бош вазифалардан бири. Ҳозир совхозимизда қарийб 8 минг киши истиқомат қилади. Эртага эса бундан ҳам юқорироқ табиий. Шундай бўлгач, хўжалик раҳбарлари, партия ташкилоти хўжалик механизмини юритувчи катта куч — меҳнаткашлар тўғрисида тинмасдан ғамхўрлик қилиши шарт. Тўғри, посёлкамиз шинам, чиройли. У конкурсда голиб чиқди. Бу яхши, албатта. Лекин биз ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак.

Биринчи галда, посёлканинг шинамлигини доимо сақлашимиз лозим. Бунинг учун совхозимизда махсус ремонтчилар бригадаси тузилган. Ана шу бригада одамлардан тушган ариза кўриб чиқилгач, навбат билан уйларни ремонт қилиб беради. Эътироф этишимиз керак, қурувчилар айрим биноларда жиддий хатоларга йўл қўйганлар. Улар бир қатор объектларда сифатга кам эътибор берганлар. Баъзи уйларга тахтадан пол қилинаётганида ҳаво юриш йўллари қўйилмаган. Натижада, айрим уйларнинг поллари яроқсиз ҳолга келиб қолди.

Яна иккинчи масала. Уйларнинг баъзаларида иситиш системалари ишламайди. Ажойиб уйларда истиқомат қилувчилар дераза-лардан печка трубалари чиқариб қўйишса ҳунук кўринар экан. Бу масалани ҳам ишчилик билан ҳал қилиб борямиз. Посёлкада истиқомат қилувчиларнинг аксарияти совхоз ишчилари. Улар ҳовлиларида чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланиш-лари келади. Бу билан ўз оилаларини сабзавот маҳсулотлари, ҳар хил кўкатлар, сут, тухум, қатиқ билан таъминлайдилар. Ҳозирги вазифа ҳам шуни тақозо этмоқда. У нафақат ўзини таъминлаши керак, балки ортиқча сут, тухумини давлатга топшириши ҳам керак. Шундай экан, ҳар бир хонадонда ёрдамчи бинолар бўлиши керак.

Учинчи масала — совхозда қурилишни кенг кўламда олиб бориш. 1981 йилни хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан ёмон якунламади. Совхоз ишчилари ҳар бир сўм иш ҳақларига бир сўм 25 тийиндан қўшимча ҳақ олдилар. Бу жуда яхши, албатта. Ҳозир хўжаликда қурилишни ҳам кенгайтиришни кўзлаяпмиз. 1, 2, 5, 6 ва 10-бўлимларда болалар боғчалари қурилиш зарур. Турар жой бинолари ҳам етишмайди. Буни бартараф этиш мақсадида яқинда совхозимизда уй-жой қурилиши бўйича кооператив тузилди. Унга ҳозирча 40 хўжалик аъзо бўлиб кирди.

Далага туташ шаҳарчада совхоз меҳнаткашлари ана шундай яшаб, ана шундай фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.



Суратларда: 1. Совхоз посёлкасидаги 400 ўринли клуб биноси. 2. Икки қаватли замонавий мактабнинг ён томонидан кўриниши.

ҚИШЛОҚНИ СОЦИАЛ ЖИҲАТДАН ҚАЙТА ҚУРИШ ТАДБИРЛАРИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИДИР... БИЗ ҚИШЛОҚДА УЙ-ЖОЙ, МАДАНИЙ-МАИШИЙ, ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ БИЛАН НАҚАДАР КУЧ-ҚУДРАТ ҚУРСАТИБ ПУХТА ШУҒУЛЛАНСАК, ДЕҲҚОНЛАР МЕҲНАТИ ШУ ҚАДАР УНУМЛИ БЎЛИШИНИ ИСБОТЛАБ ЎТИРИШНИНГ ҲОЖАТИ ЙЎҚ

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ҲАР ОҚШОМ ЎТАДИ ШУНДАЙ

Бундан икки йил муқаддам қурувчилар совхоз меҳнаткашларига ажойиб совға тортиқ этдилар. Посёлка марказида ажойиб клуб қурилиб, фойдаланишга топширилди. 400 нафар томошабинга мўлжалланган катта зали бор бу кошона ҳақиқатан ҳам маданият ўчоғи

Дунё овози
Чет эл хабарлари

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. (ТАСС). Исроил қўшинлари кеча кунининг иккинчи ярмида жанубий ва жанубий-шарқий йўналишлардан Ғарбий Байрутга ҳаракат қилишга яна уриниб кўрдилар. Интервенциячилар пойтахтнинг ғарбий секторидаги Мазара, Мар-Илёс, Бир-Хасан, Рашлет-ал-Байда турар жой кварталларини, фаластинлик қочоқларнинг Сабра, Шатила, Бурж-ал-Баражна лагерларини қаттиқ тўпга тутиб ва ракеталар ёғдириб, Байрут халқаро аэропорти йўналишида танк ҳужумига ўтдилар. Ливан пойтахтининг ҳимоячилари душманнинг тазйиқини муваффақиятли даф этиб, бир нечта танк ва бронетранспортерларни мажақладилар. Исроилнинг 20 дан кўпроқ солдат ва офицери қириб ташланди.

Исроил артиллерияси тўпга тутган районларда кўп иморатлар вайрон бўлди. Ливан пойтахтида бутун тун бўйи ёнгинлар ловуллаб турди, бу ёнгинларни исроилликлар ёндирувчи фосфорли бомбаларни ишлатганликлари ва Ғарбий Байрутда сув ғоят тахчиллиги сабабли ўчириб бўлмади.

Америка маъмуриятининг вакиллари АҚШ Ливан территориясида Америка қўшинларини жойлаштирмоқчи, деган баёнотлари муносабати билан маҳаллий сиёсий доираларда шунга эътиборни жалб қилмоқдаларки, АҚШ ё-флотининг 1.800 нафар денгиз пиёда аскарлари тушган 5 та кемаси ҳозирдаёқ Ливан соҳилидан 15 миля масофада турибди. Американинг — Эн-Би-Си телекомпанияси ана шу кемалар Вашингтондан буйруқ олгандан кейин бир неча соат ичида Америка қўшинлари ва ҳарбий техникасини тушира бошлашга тайёр эканлигини хабар қилади. Байрутда чиқадиган «Ан-нидо» газетаси АҚШ билан Исроил ўртасида махфий битим мавжудлигини ёзади. Ана шу битимга мувофиқ американликлар ўзларининг Ливандаги ҳарбий кучлари билан Литани дарёсига қадар Ливан жанубида Исроил оккупацияси мустаҳкамланишини таъминлашлари лозим.

Америка президентининг Яқин Шарқдаги махсус вакили Ф. Хабиб Ливан маъмурияти вакилларидан, сиёсий партияларнинг ва гуруҳларнинг бошлиқларидан «Ливанда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш» учун шу мамлакатга Америка қўшинларини расмий равишда «таклиф этишлари»га эришиш учун зўр берибқуч-ғайрат сарфламоқда.

Жазоир Исроилнинг Ливан ва Фаластин халқларига қарши агрессияси билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш учун блокларга қўшилмаган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг шошилинч учрашувини ўтказиш тўғрисидаги таклифни ўртага қўйди. «Блокларга қўшилмаслик ҳаракати, — деб таъкидлайди АПС агентлиги, — Фаластин ва Ливан халқлари ҳунрезлигининг бепарво шоҳиди бўлиб қололмайди».

ҒФРДА ОММАВИЙ ИШСИЗЛИК

БОННН. (ТАСС). Оммавий ишсизлик ҒФРнинг тобора кучайиб кетаётган ижтимоий иллати бўлиб қолмоқда. Меҳнат масалалари билан шуғулланувчи федераль бошқарма президенти И. Штингльнинг хабар беришича, шу йилнинг июнь ойида мамлакатда 1 миллион 650 минг ишсиз борлиги расмий равишда қайд этилган. Меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган кишилар ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан ярим миллиондан ҳам ошиб кетган. Шундай қилиб ҒФРда жами меҳнатга яроқли аҳолининг 6,8 процента ишсиздир.

Бу маълумотлар жамоатчиликни жиддий ташвишлантирмоқда. Авваллари ҒФРда ёз ойларида ҳамиша иқтисодий ҳаёт активлашганлиги ва ишсизлар камайганлиги кузатиларди. Бу сафар эса шундай бўлмади. Бу эса ҒФРда танглликнинг чуқурлашганлигидан ва сурункали давом этаётганлигидан далолат беради. Ҳукумат эълон қилган «иш билан таъминлаш программаси» ҳам ҳеч қандай натижа бермаганлиги кўриниб турибди.

ҚУРОЛЛАНИШ КУЧАЙМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Америка ҳарбийлари қуроллароғларнинг янгидан-янги турларини ишлаб чиқаришни тобора кучайтирмоқдалар. Пентагонга яқин бўлган «Авиэйшнл уик энд спейс технолоджи» ҳафтаномасининг хабарига қараганда, «Вот» ҳарбий саноат корпорацияси энг янги кўп стволли ракета қурилмасини синашнинг босқичларидан бирини тугаллаган. Бу босқич давомида 133 та реактив снаряд учирилган.

Журналнинг хабаридан кўриниб турибдики, келгуси йилдаёқ янги ракета қурилмаси кўплаб ишлаб чиқарила бошланди ва бу қурилмалар АҚШ армиясини келгусида эса уларнинг НАТО агрессив блокига аъзо бўлган интифоқчиларини қуроллантириш учун юборилади. Ҳафталик журналнинг таъкидлаб ёзишича, Ғарбий Германия ва Буюк Британия қуролли кучларининг вакиллари синовларда иштирок этишган.

КОЛУМБИЯДА БЎРОН

БОГОТА. (ТАСС). Колумбиянинг Атлантика соҳили узра Чоко департаменти районида кучли бўрон бўлди. Шамолнинг тезлиги соатига 100 километрга етди. Бўрон 600 гектардан зиёд бананзорларни аксон қилиб юборди. Табиий офат туфайли кўрилган моддий зарар 4.5 миллион долларга баҳоланмоқда.

Спорт

ФИНАЛДА — ИТАЛИЯ ВА ҒФР ФУТБОЛЧИЛАРИ

Бу йилги жаҳон чемпионатининг 50 учрашуви ортда қолди. Ўтган пайшанба куни Барселона ва Севильяда ўтказилган ярим финал матчларидан сўнг Олтин кубок учун кураш олиб борадиган терма командалар маълум бўлди.

ЯНА ЎША, ПАОЛО РОССИ!

Биринчи бўлиб Италия ва Польша терма командалари ўзаро куч синашдилар. Маълумки, 1978 йилги Аргентинада ўтказилган жаҳон чемпионатида майдон эгалари ҳужумчиси Кемпеснан сўнг италиялик Паоло Росси энг яхши иккинчи ўйинчи деб тан олинган эди. Италия терма командаси чемпионатнинг дастлабки босқичини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ўтказди. Улар барча уч ўйиннинг дуранг билан якунладилар. Мазкур учрашувларда Паоло Росси ҳам командадошлари қатори ўзини унча кўрсата олмади.

Чемпионатнинг кейинги босқичларида италияликлар ўз ўйинларида ниҳоятда катта бурилиш ясашди. Айниқса ҳимояда беҳато тўп суриб, олдинда ҳужумкор ўйин намойиш этдилар. Ана шундай вазиятларда Паоло Росси бор маҳоратини кўрсатди. Ёдингизда бўлса керак Бразилия терма командаси билан бўлган учрашувда у инглизчасига «хет трек» қилиб, Валдир Пересни тўпни уч маротаба ўз дарвозасидан олиб чиқишга мажбур этганди. Росси польшаликлар билан ўтказилган учрашувнинг ҳам қаҳрамони бўлди. Бу сафар унинг икки аниқ зарби дарвоза тўрига келиб тушди.

Умуман Италия ва Польша терма командалари ўртасидаги учрашув ниҳоятда қизиқарли ўтиб, томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

РУММЕНИГГЕ ОЛҒА УНДАГАЧ...

Шу куни Севильяда ўтказилган иккинчи ярим финал учрашуви ҳам ниҳоятда чиройли комбинациялар, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Бунда томошабинлар Франция ва ҒФР терма командалари ўртасидаги жанговар матчнинг шоҳиди бўлдилар. Шуниси эътиборга лойиқки, ўйин давомида рақибларнинг ғалаба қозониш учун бўлган иштиёқи очиқ-ойдин кўриниб турди. Биринчи бўлиб ҒФР терма командаси ўйинчиси Литтбарски ўзини кўрсатди. Бу учрашувнинг 18-минутида рўй берди.

28-минутда ҒФР терма командаси ҳимоячиларидан бири ўз жарима майдонида ўйин қоидасини бузди. Пировардида учрашув ҳаками томонидан белгиланган пенальти тўпини Платини моҳирлик билан дарвозага киритди. 1:1 ҳисоби учрашувнинг асосий вақти тугаганда ҳам ўзгармай қолди. Қоидага кўра ҳар бири 15 минутдан қўшимча икки тайм белгиланди.

3-таймининг дастлабки минутларидаёқ майдоннинг ҳар бурчагида тўп учун кескин кураш борди. Олдинига Трезор ҳисобини 2:1 га етказди. Кўп ўтмай Жиресс ҒФР терма командаси дарвозасига учинчи тўпни киритди. Ана шунда (иккинчи тайм тугаши олдидан майдонга тушган) ҒФР терма командасининг моҳир ўйинчиси Руммениге жонбозлик кўрсатиб, шерикларини тинимсиз олға ундаб турди. Навбатдаги ҳужумларнинг бирида унинг ўзи нишонни аниқ олиб, ҳисобларни фаркини қисқартирди. Кейин эса командадоши Фишер муваффақиятга эришди — 3:3. Бу ҳисоб 4-таймда ўзгармаганлиги сўнг қоидага кўра пенальти тўплари тепишга тўғри келди. Бунда омад ҒФР футболчилари томонида бўлди.

Энди ҳал қилувчи финалда турли йилларда икки мартадан жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган Италия ва ҒФР футболчилари учрашишади. Шуниси аниқки, бу командалардан бири учинчи маротаба Олтин кубокни қўлга киритади.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

12 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол бўйича жаҳон чемпионатида. Финал.
11.15 «Хайвонот оламида».
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Бизнинг ютуқларимиз». Ҳужжатли фильмлар программаси.
16.30 Халқ куйлари.
16.45 Еш томошабинлар театри. «Ақлли типратикан». Қўғирчоқ спектакли премьераси (ВХР).
17.45 «Сиз яратган боғ».
18.15 От спорти бўйича СССР чемпионати. «Битца» от спорти комплексидан олиб кўрсатилади.
18.40 «Шалпанкулоқ». Мультфильм.
18.55 СССР халқ артисти Э. Канева куйлайди. Вильнюсдан олиб кўрсатилади.
19.25 Партия планлари— халқ планлари. «Канск-Ачинск ёқилғи энергетика комплекси». Кўрсатувда КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари П. С. Федирко иштирок этади.
19.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионатида. Финал.
21.30 «Время».
22.05 «1982 йил қўшиқлари».
22.40 «Дунё воқеалари».
22.55 «Футбол шарҳи».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Илмий-оммабоп фильмлар программаси.
9.45 «Унутилмас куз». Телевизион бадиий фильм (Монголия).
11.10 «Будильник».
11.40 «Сен қонунни биласанми!».
12.25 Болалар учун фильм. «Ханжар». 1-серия.
13.35 Консерваториянинг Катта залида П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс лауреатларининг концерти.
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси катта Академик хорининг концерти.
19.20 «Дин ва атеизм тарихи музейи». Илмий-оммабоп фильм.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 Марказий телевидение экранида биринчи марта «Бизни қарзларимиз». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Болалар учун фильм. «Оқ пўстин».
18.30 Болалар учун. «Эврика».
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар ибрати —фарзандлар мактаби» [рус.].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик камалаги». Кинопрограмма.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дутор-танбур тароналари». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Умид юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия.
23.25 Янгиликлар.

СЕШАНБА

13 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Рики-Тики-Тави». Мультфильм.
10.00 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси.
10.30 СССР Давлат кинематографиясининг симфоник оркестри чалади.
11.10 «Гусар балладаси». Бадиий фильм.
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида илмий-оммабоп фильмлар программаси.
16.15 «Кобахидзе мактаби».
16.45 Белоруссия Давлат консерваторияси цимбалчилар ансамблининг концерти.
17.15 «Асли болаликдан».
18.00 «Ёшлар адреслари».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Академик рус халқ чолғу ансамблининг концерти.
20.00 «Фан оламида».
20.30 Франция телевидениесининг программаси.
21.30 «Время».
22.05 «Поэзия». Владимир Маяковский.
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 «Муҳожасиз-мўҳжизалар». Киноилова.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Илмий-оммабоп фильмлар программаси.
9.40 «Бизнинг қарзларимиз». Бадиий фильм.
11.05 «Усмирлар ижоди».
11.35 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
12.05 Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади.
12.35 Болалар учун фильм. «Ханжар». 2 серия.
13.45 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси.
«Боғ яратиш» [Киев].
«Республиканинг бир куни» [Тошкент].
«Арат қушиғи» [Новосибирск].
14.25 Жаҳон халқларининг ижоди. Вьетнам санъати.
15.05 «Фёдор Трофимович ва бошқалар...» 1-кўрсатув. Кўрсатувда Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун иштирок этади.
15.35 П. И. Чайковский. 4-симфония. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 С. Воронцов чалади [гитара].
19.10 «Мумкинми, кирсам». Ёш онла муаммолари ҳақида.
20.00 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ватан манзаралари». Фильм-концерт.
21.00 Спорт ҳафталиги.
21.30 «Время».
22.05 «Лабиринтдаги узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.

● ЎзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Алдар кўса», «Ўрмон эртаклари». Мультфильмлар.
18.30 «Дўстлик поезди». Болалар учун фильм-концерт.
19.00 «Абитуриент-82». В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Қардошлик мушоираси».
20.15 «Бугу сўқмоғида». Фильм-манзаралар.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Рақс гулшанида». Маъмура Эргашева.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси».
22.35 Телевидение экранида биринчи марта. «Умид юлдузи». Бадиий фильм. 2-серия.
23.55 Янгиликлар.

ЧОРШАНБА

14 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Халқ ижодиёти».
10.25 «Киносаёҳатчилар клуби».
11.25 Д. Шостакович. «Хор ижроси учун революцион шоирларнинг шеърларига ёзилган 10 та поэма.
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «80-йиллар коммунистлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.
16.05 Болалар учун фильм. «Расмус-дайди». 1-серия.
17.10 «Ольга Берггольц поэзияси».
17.50 «Горничлар, қаердасиз!».
18.35 «Инсон ва қонун».
19.05 «Болалар ҳақида қўшиқ». Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 П. И. Чайковский. «Ромео ва Жульетта» увертюра-фантазияси.
19.50 «Механик пианино учун тугалланмаган пьеса». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 Останкино концерт студиясида ёзувчи Г. Троепольский билан учрашув.
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Грузия ССР халқ рассоми И. Тоидзе.
19.15 «Бауманликлар». Телевизион очерк.
19.45 «Архангельск» музей-кўриқхонаси».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Музикали программа.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Арарат» — «Спартак». Ереванда олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Капитан». Телевизион бадиий фильм.
12.00 Абитуриентлар учун. Биология.
12.30 «Умид юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик».
18.45 «Кичик сеҳргарлар». Цирк программаси.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». М. Стельмах. Туғилган кунининг 70 йиллигига.
20.30 «Ахборот».
20.50 «2 миллион тонна «қаҳрабо дон» учун!»
21.05 «Олтин водий қўйчиси». Фильм-концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Телевидение экранида биринчи марта «Турмадан қочиш». Бадиий фильм.
23.45 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА

15 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Халқ куйлари.
10.05 «Механик пианино учун тугалланмаган пьеса». Бадиий фильм.
11.45 Ишлаб чиқариш гимнастикаси.
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Спорт ҳақида телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.
«Кетеван ейлари» [«Экран»].
«Бор йўғи уним» [Свердловск].
«Рақибларни танламайдилар» [Олмаота].
«Дуэт» [Тошкент].
16.25 Болалар учун фильм. «Расмус-дайди». 2-серия.
17.40 Бутуниттифоқ конкурси лауреатлари чаладилар.
18.00 «Киев корхоналарида электрошлакли қуйиш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
18.15 «Усмирлар ижоди».
18.45 «Архитектор Веснинлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ёшлар адреслари».
19.45 М. И. Глинка номли Ленинград Давлат академик капелласининг концерти.
20.40 «Тарих ҳукми». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Биз сқтирган қўшиқлар». Телевизион музикали фильм премьераси. РСФСР халқ артисти Л. Гурченко иштирок этади.
22.45 «Дунё воқеалари».
23.00 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Фиеста». Мадриддаги халқ ижодиёти фестивали ҳақида.
19.10 Марафонча югуриш бўйича СССР чемпионати.
19.30 «Йўлга». Телевизион ҳужжатли фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 А. Дворжак. «Славянча рақслар».
21.30 «Время».
22.05 «Лабиринтдаги узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари» [такрорий].
12.00 Абитуриентлар учун. Биология.
12.30 Абитуриентлар учун. Химия.
13.00 «Умид юлдузи». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Кувонч». Болалар учун фильм-концерт.
18.30 «Абитуриент-82». Тошкент политехника институти.
19.00 «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ёзувчи ва замон». Кўрсатувни ҚҚАССР халқ ёзувчиси Т. Қанибергенов олиб боради.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Балет кечаси». Самарқанд Давлат опера ва балет театрининг солистлари ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.20 «Баҳс». Ешлар учун аҳлоқий-эстетик мавзуда кўрсатув.
23.05 «Шашмақом» Фильм-концерт [«Ўзбектелефильм»].

ЖУМА

16 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Дон казаклари Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
10.25 Болалар учун фильм. «Қизча ва тимсоҳ».
11.30 «Комсомол — менинг тақдирим». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси:
«Қадрдон «упроқ ҳарорати»,
«Шаҳар бўйлаб троллейбус қатномоқда».
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Сталинград остоналарида немис-фашист қўшинлари тор-мор этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси.
«Голибона Сталинград»,
«Биринчи шаҳс тилидан ҳикоя»,
«Яккама-якка».
16.10 «Рус тили».
16.40 «Москва ва москваликлар».
17.10 «Шахмат мактаби».
17.40 «Мунозара клуби».
18.45 Кабарда-Балкарнинг Россияга ихтиёрий қўшилганлигининг 425 йиллигига. «Менинг Кабарда -Балкариям». Телевизион ҳужжатли фильм
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади.
20.00 Тюмень филармонияси рус халқ чолғу ансамблининг концерти.
20.15 «Плющиҳидаги «Уч терак» кўчаси». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 Консерваториянинг катта залида П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс лауреатларининг концерти.
00.05 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Поэзия». Николас Гильен.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари». «Озиқ-овқат программаси —умумхалқ иши».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ҳаётга йўлланма».
21.20 «Суховода ёз». Киноповҳа».
21.30 «Время».
22.05 «Лабиринтдаги узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм-премьераси. 3-серия.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Валерка, Рэмка плюс...» Телевизион бадиий фильм.
12.00 «Цирк мўъжизалари». Урганч шаҳар «Петрушка» халқ қўғирчоқ театрининг спектакли.
12.20 Абитуриентлар учун. «Иншони қандай ёзиш керак!»
12.50 «Самандас». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув [қозоқ тилида].

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Айиқлар ва қўшиқлар», «Қўғирчоқлар рақс тушади». Болалар учун мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз 80-йиллар комсомоллари».
19.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Китоб — ақл фарзанди».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Кинопублицист экрани». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «К. Отаниёзов куйлайди». Фильм-концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Иўқолган гувоҳ». Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

ШАНБА

17 ИЮЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.45 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
10.15 «Фёдор Трофимович ва бошқалар...»2-кўрсатув. Кўрсатувда Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун иштирок этади.
10.45 «М. Греков ва унинг мактаби».
11.15 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.45 «Спортлото»нинг 29-тиражи.
11.55 «Усмиклар олами».
12.45 Муса Жалил поэзияси.
13.35 «Ироқ бўйлаб». Кинопрограмма.
14.15 Қабарда-Балқар АССР «Кабардинка» Давлат рақс ансамблининг концерти.
15.00 «Дунё воқеалари».
15.15 Болалар учун фильм. «Ҳамма юқорига».
16.25 Давлат Марказий концерт залида совет қўшиқларидан концерт.
17.45 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
18.45 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати.
19.15 Янги мультфильмлар.
19.55 Останкино концерт студиясида юмор кечаси.
21.30 «Время».
22.05 «Шербур соябонлари». Бадиий фильм (Франция).
23.35 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.25 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси.
10.00 «Тонгги почта» музикали программаси.
10.30 «Жасорат».
11.00 «Эринчоқ». Мультфильм.
11.20 «Лабиринтдаги узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.25 «Киносаёҳатчилар клуби».
13.25 «Бу ҳаелни олам».
14.35 Иркутск телевидение студиясининг программаси.
15.35 «Қишлоқ». Телевизион ҳужжатли фильм.
16.30 «Музикали киоск».
17.00 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1944 йил».
18.00 Халқаро обзор.
18.15 «Синфдошлар». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» [Тбилиси] — «Спартак». Тбилисидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Академик эшкак эшиш бўйича СССР чемпионати Крилатскоеда ги эшкак эшиш каналидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 «Биз «Юлдуз»да рақсга тушамиз». Фильм-концерт.
10.25 «Театр ва замон».
11.55 «Кинореадакция почтасидан».
12.40 «Инсон болаликдан бошланади» [рус].
13.10 «Дубравка». Бадиий фильм.
14.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оқ йўл!»

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Винни-Пух», «Винни-Пух меҳмонга боради», «Бор эканда йўқ экан, қўрқиқ бўлган экан». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Юлдузча».
19.00 «Ота-оналар университети».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Кино артистлари куйлайди».
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!» ҚҚАССР ва Узбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Самарқанд области.
21.30 Москва. «Время».
22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!» ҚҚАССР ва Узбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда —Самарқанд области [давоми]. Кўрсатув тугагач—Кўрсатувлар программаси.

ЯКШАНБА

18 ИЮЛЬ
МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «СССР халқ артисти М. Шахбердиева куйлайди». Фильм-концерт премьераси.
10.15 «Будильник».
10.45 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
11.45 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
12.30 «Тонгги почта» музикали программаси.
13.00 «Қишлоқ янгиликлари». «Озиқ-овқат программаси —умумхалқ иши».
14.00 «Музикали киоск».
14.30 П. Павловский. «Элегия». Совет Армияси Марказий академик театрининг фильм-спектакли.
16.15 «Ўрдакча қандан қилиб тулки овлади». Мультфильм премьераси.
16.25 «Бугун — металлургла кунни». Талабларингизга биноан учрашувлар. Кўрсатувда СССР Қора металлургия министри И. П. Казанец, СССР Рангли металлургия министри П. Ф. Ломако, металлургия саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси И. И. Костюков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Азовсталь» заводининг пулат қуювчиси Г. Я. Горбань ва бошқа ўртоқлар иштирок этади.
17.15 Металлургла кунига бағишланган концерт.

* * *

18.30 «Халқаро панорама».
19.15 А. Я. Ваганова номли Ленинград Давлат академик хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти.
20.30 «Киносаёҳатчилар клуби».
21.30 «Время».
22.05 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади.
22.35 «Андроников сўзи». 2-фильм.
23.40 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!».
9.15 Металлургла кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси.
10.15 «Синфдошлар». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.
12.15 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади.
12.30 «Қувноқ стартлар».
13.15 «Ҳайвонот оламида».
14.15 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади.
14.45 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 2-гвардиячи армия встречаларининг учрашуви.
16.10 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.40 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Киноилова.
17.30 Стелла Энакие куйлайди. (Руминия).
18.00 «Мардлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
19.05 Халқ куйлари.
19.15 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1945 йил».
20.15 Академик эшкак эшиш бўйича СССР чемпионати. Крилатское эшкак эшиш каналидан олиб кўрсатилади.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.05 «Икарчинг йиқилиши». Телевизион бадиий фильм премьераси [ЧССР].

● ЎзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 Металлургла кунига. «Учинчи ҳақиқат». Ҳужжатли фильм [«Ўзбектелефильм»].
10.40 «Мультипанорама».
11.30 «Ўзбекистон спорти».
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
13.00 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа.
13.30 Телевизион театр. А. Вейцлер. «Юзма-юз».
14.30 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қирол ва қовунлар», «Ҳақиқий дўстлар». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.00 «Бугун — Металлургла куни».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 Узбекистон артистлари ижросида чет эл эстрадасининг куплари ва оҳанглари.
20.30 «Ахборот».
20.50 Муножот Йўлчиева куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришига — аъло сифат».
22.25 Металлургла кунига. «Зиммамга оламан». Бадиий фильм.
23.55 Кўрсатувлар программаси.

ҲУРМАТЛИ КИТОБХОНЛАР

ТАШКНИГА» ТОШКЕНТ ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ

Сизга ўзбек тилида

ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ:

Ф. Достоевский. «ТЕЛБА». Роман, Ғ. Ғулом нашриёти, 1982 йил, баҳоси 3 сўм 80 тийин.

Оноре де Бальзак. «ГОБСЕК». Сагритери тилсими, кисса. Роман, Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил, баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Соҳиб Жамол. «МУҲАББАТ ҚАМАЛАГИ». Роман. Ғ. Ғулом нашриёти, баҳоси 2 сўм 30 тийин.

Шубхаш Мукержи. «ҒАЛАЁН». Роман. Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил, 1 сўм 40 тийин.

Ҳабиб Нуъмон. «ЕШЛИКДА БЕРГАН ҚЎНГИЛ». Қиссалар, Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил, баҳоси 30 тийин.

Бауырг Алавий. «УНИНГ КЎЗЛАРИ». «Прогресс» нашриёти, 1981 йил, баҳоси 1 сўм 30 тийин.

М. Муҳамедов. «ТАНЛАНГАН АСАРЛАРИ». 1 том, Қиссалар, Ғ. Ғулом нашриёти, 1980 йил, 1 сўм 20 тийин.

М. Муҳамедов. II том. Ҳикоялар, шеърлар, баҳоси 1 сўм 60 тийин.

Н. Б. Коростелев. «А ДАН Я ГАЧА». Тошкент, 1981 йил, баҳоси 30 тийин.

О. Еқубов. «УЛУҒБЕК ХАЗИНАСИ». Роман. Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил, баҳоси 1 сўм 40 тийин.

Ж. Шарипов. «САЙЛАНМА». 1 Хоразм романи. Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил баҳоси 2 сўм 80 тийин.

Ж. Шарипов. «САЙЛАНМА». II Хоразм романи, Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил баҳоси 2 сўм 80 тийин.

Мирмуҳсин. «ИЛДИЗЛАР ВА ЯПРОҚЛАР». Роман. I қисми, Ғ. Ғулом нашриёти, баҳоси 1 сўм 20 тийин.

П. Қодиров. «ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР». Роман. Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил, баҳоси 1 сўм 80 тийин.

Ҳ. Ғулом. «МАНГУЛИК». Роман. Ғ. Ғулом нашриёти, 1982 йил, баҳоси 1 сўм 60 тийин.

Г. Серебрякова. «ҲАЁТ ЧУҚҚИЛАРИ». Роман, Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 йил, баҳоси 2 сўм 30 тийин.

Ў. Ҳошимов. «ҚУЁШ ТАРОЗИСИ». Ҳикоя. Қиссалар. Ғ. Ғулом нашриёти, 1980 йил, баҳоси 1 сўм 30 тийин.

Уайсий шеъриятидан. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти, 1980 йил, баҳоси 65 тийин.

БУ КИТОБЛАРНИ «КНИГА-ПОЧТОЙ» МАГАЗИНИ ОРҚАЛИ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Магазин адреси: 700122, Тошкент шаҳри, Волгоград кўчаси, 10 «а»-уй, 39-магазин.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

1982-83 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кундузги бўлимга: 8 йиллик маълумот билан: китоб савдоси товаршунослиги, 10 йиллик маълумот билан: полиграфия машиналари ва ускуналари, брошюралаш ва муқовалаш саноати технологияси, китоб савдоси товаршунослиги, ҳарф териш технологияси, полиграфия саноати корхоналарида планлаштириш, ҳарф териш технологияси.

Сиртқи бўлимга (ўрта маълумот билан) китоб савдоси товаршунослиги, полиграфия саноат корхоналарида планлаштириш.

Ўқиш муддати — китоб савдоси товаршунослиги ва полиграфия саноати корхоналарида планлаштириш мутахассисликлари бўйича 8 йиллик маълумот билан 2 йилу 10 ой, 10—11 йиллик маълумот билан — 2 йилу 10 ой.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: 8 йиллик маълумот билан 1 курсга кириш учун она тили (диктант), математика (оғзаки), ўрта маълумот билан II курсга кириш учун 10 класс ҳажмида ўзбек тили ва адабиёт (иншо), математика (оғзаки).

Эслатма: китоб товаршунослиги мутахассислиги бўйича II курсга кирувчилар математика ўрнига тарих фанидан имтиҳон топширадилар.

Қабул қилинган ўқувчилар умумий асосда стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Директор номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли),медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмида 4 та фотосурат.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 21 августгача ўтказилади.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш 21 августдан 25 августгача ўтказилади.

Аризалар 31 июлгача (ўрта маълумотлилардан 14 августгача) қуйидаги адрес бўйича қабул қилинади; Тошкент шаҳри. Навоий кўчаси, 30 «а»-уй 7, 8, 11, 16-трамвайлар, 1, 2, 4, 8, 7, 14, 18-троллейбуслар, 28 42, 64; 65-автобусларнинг «Марказий телеграф» бекатлари).

42-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

1982-83 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

лаборант, пахта тозалаш ускуналарининг машинисти, газэлектр пайвандчи, товаршуйос, электромонтёр, ҳисобчи-бухгалтер, ускуналар ремонти бўйича слесарь, мураккаб рўзғор приборлари (холодильниклар, кир ювиш машиналари, пилесослар ва ҳоказо) ремонти бўйича механик. Ўқиш муддати — 1 йил.

Телевизор ва радиоларни ремонт қилувчи механик. Ўқиш муддати — 2 йил.

Билим юртига 17—25 ёшдаги 8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қабул қилинганлар ҳар ойда 70 сўм стипендия оладилар, ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганларга ихтисослиги бўйича диплом берилади, олий ўқув юртига киришни истаганларга йўлланма берилади. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртига кириш учун ихтисослик бўйича бир имтиҳон топшириш ҳуқуқига эга.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат (асли), туғилиши ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, иккита фотосурат (3х4 см. ҳажмида), саломатлиги ҳақида справка (286-форма).

Билим юртининг адреси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси (подстанция ёнида), Телефон 63-20.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35. 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02082 Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1065. 11